

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2026 йил март ойининг 17 кунда жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, [REDACTED], [REDACTED], судланувчи ХХХ ва унинг химоячиси, адвокат И.Самадовларнинг иштирокида, судланувчи ХХХга нисбатан № [REDACTED]-сонли жиноят ишни кўриб чикди.

Судланувчи ХХХ, 1987 йил 18 ноябрь куни Денов туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, ёлланма ишчи, [REDACTED] яшаб келиб, муқаддам биринчи маротаба ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2026 йил 23 январь кундаги қарори билан МЖТКнинг 131-моддаси 1-қисми (Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш)да кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилиб, 3 (уч) йил муддатга барча транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ баравари, яъни 16.480.000 сўм миқдорда жарима жазоси тайинланган, иш юзасидан унга нисбатан “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2026 йил 6 март куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 261¹-моддасининг 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суриштирув ҳужжатларини таҳлил қилиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, тарафларнинг музокара нутқини ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи ХХХ, муқаддам маст ҳолда транспорт воситасини бошқарганлиги учун ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2026 йил 23 январь кундаги қарори билан МЖТКнинг 131-моддаси 1-қисми (Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш)да кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилиб, 3 (уч) йил муддатга барча транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ баравари, яъни 16.480.000 сўм миқдорда жарима жазоси тайинланган бўлсада бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, ўзининг қонунга бўлган номуносиб хулқ-атворини намоён қилиб, 2026 йил 15 февраль куни соат



21.30ларда ўзига тегишли бўлган “Кобалт” русумли “ [REDACTED] ” давлат рақам белгили машинани бошқариб келиб, [REDACTED] худудида ҳаракатланиб кетаётган вақтда ЙПХ ходимлари томонидан тўхтатилиб, мастлик даражасини аниқлаш мақсадида Вилоят наркология диспанцерига олиб борилганда ХХХ мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича тиббий текширувдан ўтишдан бўйин товлаган.

Судланувчи ХХХ суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2026 йил 15 февраль куни турмуш ўртоғи ва фарзанди қайнонасининг уйида бўлганлиги, кечки вақт ўзига турмуш ўртоғи телефон қилиб, қизининг иситмаси борлиги ҳақида айтганлиги, шунда, ўзи транспорт воситасини бошқариш ҳукуқи бўлмасда, қизини кўриш учун ўзига тегишли бўлган машинани бошқариб, қайнонасининг уйига Жарқўрғон туманига бормоқчи бўлганлиги, қизининг тутқаноқ касаллиги борлиги сабабли унинг ёнига бормоқчи бўлганлиги, машинасини бошқариб кетаётган вақтида, Термиз туманидан Жарқўрғон туманига ўтиш йўлидаги шифохона олдида ЙПХ ходимларини турганлигини кўрганлиги, шу вақт машинада бир ўзи бўлганлиги, бироз соғлиги бўлмай, стресс ҳолатида бўлганлиги, ЙПХ ходимларидан 500-700 метрлар ўтгандан сўнг тўхтаганлиги, қон босими тез-тез кўтарилиб турганлиги сабабли шу вақт ҳам соғлиги ёмонлашиб, машинадан тушганлиги, изимдан ЙПХ ходимлари келганлиги, ўзидан ҳужжатларини сўраганлиги, ўзи ҳужжатларни тақдим қилганлиги, ўзини мастлик ҳолатини текшириш учун наркология диспанцерига олиб боришганлиги, ўзига махсус аппаратга пуфлашини таклиф қилишганлиги, ўзи спиртли ичимлик истеъмол қилмаганлигини айтиб, мастлик ҳолатини текширувчи кўриқдан ўтишдан бош тортганлиги, сабаби наркалогия диспанцерида қон олиш орқали аниқлашмоқчи бўлганлиги, ўзи қондан кўрққанлиги сабабли текширувдан бош тортганлиги, сўнг ушбу ҳолатни наркология ходими ва ЙПХ ходими расмийлаштириб олишганлиги, шундан сўнг, ўзи у ердан чиққанлиги, яшаш уйига борганлиги, отасига бўлган ҳолатни айтиб берганлиги, орадан икки соатлар ўтгандан сўнг отаси ЙПХ ходимларига телефон қилиб, тиббий кўриқдан ўтишини, ўзини олиб боришини билдирганлиги, ЙПХ ходимлари эса хизмат ўтаётганлиги, орадан вақт ўтиб кетганлиги сабабли энди текширтира олмасликларини айтишганлиги, наркалогия диспанцеридаги алкотестердан ўтиш жараёнида холислар иштирок этганлиги, аммо ЙПХ ходими унга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирмаганлиги, қилган ишидан пушаймонлиги, оилавий шароити сабабли шундай ҳаракатларни содир этганлигини баён қилиб, кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Абдулҳаев суд мажлисида, [REDACTED] вазифасида бир йилдан буён ишлаб келмоқдалиги, 2026 йил 15 февраль куни Термиз туманидан ўтган М-41 автомобил йўлида хизмат фаолиятини олиб бораётган вақтида, соат 20:00 ларда Кобалт русумли давлат рақами [REDACTED] бўлган машина йўлда ҳаракатланиб келаётганлигини кўрганлиги, ушбу машина ҳайдовчисига таш ишорасини берганлиги, ҳайдовчи машинанинг ён чироқларини ёқиб



йўл четига тўхташини билдирганлиги, ўзи у томон бораётганида, йўл четида тўхтамасдан машинани тўғрига йўл бўйлаб бошқариб кетганлиги, ўзи шериги билан бирга унинг изидан бораётганида, бироз нарига бошқариб бориб тўхтаганлиги, ўзи унга етиб бориши билан ҳайдовчи ХХХ машинадан тушиб, йўл четига ўтганлиги, унинг ёнига борган вақтида судланувчи машина калитини отиб юборганлиги, судланувчи ХХХга ўзини таништириб, хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, ундан исм-шарфини, спиртли ичимлик ичган ёки ичмаганлигини сўраганлиги, шунда судланувчи ХХХ исм-шарфини айтганлиги, сўнг спиртли ичимлик ичганлигини билдирганлиги, аммо машинани бошқармаганлигини, пиёда келаётганлигини айтганлиги, ўзи унинг ҳужжатларини ўзига бириктирилган планшет ёрдамида текширганида, ХХХ транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги, муқаддам маст ҳолда транспорт воситаси бошқарганлиги учун маъмурий жазога тортилганлигидан хабар топганлиги, шундан сўнг, ҳайдовчи ХХХни мастлик ҳолатини текшириш учун наркология диспанцерига олиб борганлиги, наркология диспанцери ходими унга мастлик ҳолатини текшириш учун тиббий текширувдан ўтиш тартибини тушунтирганлиги, судланувчи ХХХ эса тиббий текширувдан ўтишдан бош тортганлиги, наркология диспанцери ходими ва ўзи мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича тиббий текширувдан ўтишдан бўйин товлаш ҳам тегишли жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида тушунтирганлиги, шундай бўлсада ХХХ мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича тиббий текширувдан ўтишдан бош тортишини билдирганлиги, ушбу ҳолатни расмийлаштирганлиги, машинани эса жарима майдончасига жойлаштирганлигини баён қилиб, кўрсатув берди.

Гувоҳ С.Шодиев суд мажлисида, 2026 йил 15 февраль куни ўртоғи Азиз билан [REDACTED] ҳудудидаги йўлда Масжид биноси қаршисида ўзига тегишли бўлган “Кобалт” русумли машинада ҳаракатланиб келаётганида ўзларини ЙПХ ходимлари тўхтатишганлиги, ўзининг ҳужжатларини текшириб, сўнг бир ишда холис бўлиб иштирок этиб беришларини илтимос қилишганлиги, ўзи ва ўртоғи Азиз уларнинг таклифига рози бўлишганлиги, шу яқиндаги наркология диспанцерига боришганлиги, у ерга борганларида, бир фуқарони олиб келишганлиги, ушбу фуқаро судланувчи ХХХ бўлганлиги, судланувчи ХХХни мастлик ҳолатини аниқлаш учун тиббий текширувдан ўтиши тушунтирилганлиги, судланувчи Б.Саитқулов эса текширувдан ўтмаслигини билдириб, текширувдан ўтишдан бош тортганлиги, ўзларини шу сабабли чақиритилганлигини билишганлиги, ЙПХ ходими ва наркология диспанцери ходими судланувчи ХХХ тиббий текширувдан бош тортганлигини расмийлаштиришганлиги, судланувчига нисбатан ЙПХ ходимлари томонидан ноқонуний ҳаракатлар бўлмаганлигини баён қилиб, кўрсатув берди.

Суд, судланувчи ХХХнинг айби судда айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, гувоҳларнинг кўрсатувлари ва суруштирув давомида тўпланган далиллар, жумладан жиноят иши кўзгатиш ва иш юритувга олиш тўғрисидаги қарор, дастлабки тушунтириш хатлари, 15.02.2026 йилдаги



■ маъмурий баённома, мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича тиббий текширувдан ўтказилганлик тўғрисидаги 167-сонли баённома, 15.02.2026 йилдаги далолатнома, 13.01.2026 йилдаги MB26750018272-рақамли маъмурий баённома, ЖИБ Термиз шаҳар судининг 23.01.2026 йилдаги қарорлари ҳамда сўроқ баённомалари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган.

Суд, тергов органи томонидан судланувчи ХХХнинг илгари спиртли ичимлик истеъмол қилган мастлик ҳолатида транспорт воситасини бошқарганлиги учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин яна транспорт воситасини спиртли ичимлик истеъмол қилган маст ҳолатда бошқарганликдаги яъни мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича тиббий текширувдан ўтишдан бўйин товлашдаги жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 261¹-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 7-моддасида, “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши кераклиги, жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган энгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

10-моддасида, қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шартлиги;

42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

8,54-моддаларида, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорни шахсига, шунингдек, жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1,3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга



каратилсин”, 5-бандида “Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак” ”- деб тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги Қонун ва Олий суд Пленуми талабларига амал қилиб, судланувчи ХХХга жазо тури ва меъёрини белгилашда унинг айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини, оилада ягона боқувчилигини, уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, [REDACTED] ва МФЙ еттилик аъзоларининг 20.02.2026 йилдаги далолатномасига кўра, отаси [REDACTED] сахар касаллиги, онаси О.Бозорова жигар серроз касаллиги ва ота-онасига ўзи қаровчилини, оилавий шароити оғирлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат йўқ деб баҳолаб, шу билан бирга жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, хусусиятини, илгари спиртли спиртли ичимлик истеъмол қилган мастлик ҳолатида транспорт воситасини бошқарганлиги учун маъмурий жазо қўлланилганидан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, яна транспорт воситасини спиртли ичимлик истеъмол қилган маст ҳолатда бошқарганлиги, шунингдек, у содир қилган жиноятдаги айбига иқрор ва пушаймонлик билдирганини, унинг шахсини, оилавий шароитини инobatга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш мумкин деб ҳисоблаб унга нисбатан у айбланаётган модда санкцияси доирасида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, иш ҳақининг маълум фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, ЖКнинг 46-моддаси тўртинчи қисмига асосан тайинланаётган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ИИБ пробаця гуруҳи томонидан белгиланган жойларда ўтатиришни, унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилишни лозим деб топади.

Шунингдек суд, Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига мувофиқ ашъвий далиллар тақдирини муҳокама қилиб, суриштирув органи томонидан далилий ашъ сифатида эътироф этилган 6-дона ёзма далиллар жиноят ишига қўшилганлигини инobatга олишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд,

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи ХХХ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 261¹-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.



Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 261¹-моддаси 2-қисми билан 2 (икки) йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 15 (ўн беш) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси [REDACTED] Пробация гуруҳи томонидан белгиланган жойларда ўтатирилсин.

Унинг асосий жазосини назорат қилиш ҳамда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоларини ижросини таъминлаш [REDACTED] пробация гуруҳи зиммасига юклансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг муддати ҳукм ижрога қаратилиб, маҳкум Пробация бўлинмаси томонидан жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини муддати ҳукм қонуний кучга кирганидан бошлаб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан жазолар турлича бўлганлиги сабабли алоҳида-алоҳида ўтатирилсин.

Унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ашъвий далилий сифатида эътироф этилган 6-дона ёзма далиллар жиноят ишига қўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шу суд орқали Сурхондарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

[REDACTED]

[REDACTED]

